

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 14 январ  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 10 (2307)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш ҳамда божхона қўмиталарининг алоҳида ўрнатилган қўрсатган ходимларидан бир гuruhини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўнган ҳиссаси, республикада Куролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишида, Ватанимизда ҳуқуқ-тартибни ва эл-юрт осойишталигини таъминлашда қўрсатган жасурали ва мардоналик ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

- II ДАРАЖАЛИ "ШОН-ШАРАФ" ОРДЕНИ БИЛАН**  
Абдуллаев Ваҳобжон Қанонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги десант батальони командири
- Акмураев Дилмурат Сайдуллаевич — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи
- Ахраркулов Александр Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги артиллерия қисми штаб бошлиғининг ўринбосари
- Бадалбаев Абдулажон Махкамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг гуруҳ командири
- Бозоров Бахшало Фатхуллович — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара нazorати бўлими бошлиғининг ўринбосари
- Вахабжонов Дилшод Болтабаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Габдуллаев Рашид Габдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг командири

- Давлатмеченов Карим Хайдарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Мамажонов Усмоножон Умарович — Фарғона вилояти Езёвон тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари
- Марақовский Юрий Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси худудий чегара қисмининг отряд командири ўринбосари
- Махкамов Алхам Хамдамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Маширапов Элмурат Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт ўқув эвасининг катта устаси инструктори
- Мунинов Маширабжон Фузломович — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси чегара худудининг бошлиғи вазирасини бажарувчиси
- Музаев Абдували Уринович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги артиллерия дивизиони командири

(Давоми 2-бетда).

## ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақил Ўзбекистон халқи, мамлакатимиз Куролли Кучлари жангчилари шонли сана — Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Куролли Кучларимиз ташкил топганининг саккиз йиллигини кенг нишонладик.

Пойтахтимизнинг байрамона безатилаётган "Туркистон" саройига уруш ва меҳнат, Куролли Кучлар фахрийлари, Мудофаа ва бошқа вазирлик, ишда ҳаётда ташкилот, олий ҳарбий ўқув юрталари, жанговарлик вақтлари, меҳмонлар туланиди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг саккиз йиллигини бағишлаган тантанали йилнинг бўлиди.

Иштироки Шонли шаҳар ҳокими К.Улдаров оиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган қайиқ табригини республика мудофаа вазири, генерал-полковник Х.Турсунов ўқиб эшиттирди. Сўнгра, мудофаа вазири шонли сана тўғрисида қароғида қилди.

Иштирокида таъкидланганидек, халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг пасонлари — мамлакатимиз Куролли Кучлари Утган сарқис йил мобайнида мураккаб, айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтди. Бу йўлни кўча шарафли армияе Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг қўрсатмаларига буюн ривожланишда ва тақомиллаштиришда, мамлакатимизда ҳарбий соҳада юзлик билан амалга оширилган ислохларнинг иккинчи самарасини бермоқда. Халқ билан армия бирлиги тобора мустаҳкамланиб, жангчиларнинг сийёси ва жанговар тайёргарлигида юқори натижаларга эришилди.

Куролли Кучлар сарғида йил сайин кўлаб ел аскарлар келиб қўшилмоқда. Куролли Кучларимиз бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва худудий ахтирлигининг, тинчлик ва барқарорлигининг мустаҳкам қаровчиларидир.

Иштирокида Ил Ҳимоячиларининг эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги пасонлари бўлиш Ватан ҳимоячилари, уларнинг жанговарлик қобилиятини янада оширишда, давлатимизнинг мудофаа қудратини қувватлаштиришда доимо эътибор бераётгани алоҳида таъкидланди. Куролли Кучларимизга қўрсатилган бундай ғамхўрлик учун Ислам Каримовга самимий ташаккур ва чўқур миннатдорлик изҳор қилинди.

Тантанали йилнинг қатнашчилари учун Ўзбекистон сангет усталари ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

(ЎзА)

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз қадрдонларим, азиз дўстларим!  
Халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг пасонлари бўлган сиз, азиз аскарлар, сержант ва прапорщикларни, офицер ва генералларни, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни буюк сана — Ватан ҳимоячилари кунини билан чин юракдан самимий муборакбод этаман!

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, унинг том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўнгларини шундан далолат берадики, ўз худудий ахтирлиги ва мустақиллигини қафолатмай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайдди.

Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: "Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур", деган сўзларидан теран маъно муҳжасам.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурилик, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темури каби улаб саркардорларнинг номлари тарқал ҳарфлар билан битилган. Узининг мана шундай буюк тарихи ва аждодларига муносиб оғирс бундан халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни яратма олиши табиийдир.

Бугунги кунда шунини ифтихор ва гурури билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдига қўйилган талабимиз ҳаммага маълум — бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва

энг юксак меъонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.

Биз ўз армиямизни келасида фақат профессионал армия сифатида қўрагимиз. Узини мана шу она заминининг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йиғит учун армия, Куролли Кучлар сарғида хизмат вазирасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурча айлангани даркор. Шу эзу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямойди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган фожоела воқеалар, Қирғизистон жанубида ҳамда Тошкент вилоятида руй берган воқеалар бизнинг Куролли Кучларимизга, барча қўшин турлари жаножон Ватанимизга, она ермизга таҳдид солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қатъий зарба беришга қодирлигини, юртимизининг муносиб ҳимоячилари эканлигини яна бир бор намоён этиди.

Қимда ким бизнинг муқаддас заминимизга нопок, гаразли ниётлар ва таҳдидлар билан қадам босса, юртимиз атрофида ғаламисларга кўз олаштириб юрган бўлса, билиб қўйсинки, биз уларга қатъий зарба беришга ва ўз сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли қилишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга қодиримиз. Бунинг зарури эса сиз — менинг мард ва жасур ўғлонларим.

Барчаңизни яна бир бор бағримга босиб, кутумғ байрам билан табриқлайман!

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди.

## 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФИЛИ

14 январ кунини Ўзбекистон халқи Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлайди. Мазкур муҳим воқеа арасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Х.Турсунов билан суҳбатладики

лабки йилларидан Президент Ислам Каримов мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб, Куролли Кучларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ел давлатнинг устувор масалалари қаторига қўйди. Уш мураккаб даврда республика раҳбари томонидан қабул қилинган шундай қарорнинг тўғрилигини вақтнинг узи қўрсатди.

Шунини қайд этиш керакки,

мустақиллигини кўлга киритган барча давлатлар ҳам бу йўлдан ҳарбий қисмлари, бирлашмалари, ҳарбий-ўқув муассасалари, таъкилотлари ва бошқа тузилмаларини Ўзбекистон иқтидорига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу кун Куролли Кучларимизнинг ташкил топган кунини бўлиб қолди. Айнан шу кун Ватан ҳимоячилари кунини сифатида нишонланади.

1992 йилнинг 14 январиди

соҳиб Иттифоқнинг мамлакатимиз худудига жойлашган ҳарбий қисмлари, бирлашмалари, ҳарбий-ўқув муассасалари, таъкилотлари ва бошқа тузилмаларини Ўзбекистон иқтидорига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу кун Куролли Кучларимизнинг ташкил топган кунини бўлиб қолди. Айнан шу кун Ватан ҳимоячилари кунини сифатида нишонланади.

1992 йилнинг 14 январиди

(Давоми 3-бетда).

## ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЯДИ

Нукусе шаҳридаги «Катекс» ҳиссадорлик жамияти ҳар йили минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Айни вақтда жамият ерлиги билан харидорларга тақдим этилаётган маҳсулотлар турини 457 хилдан орттирди.

Жамиятда асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Уларнинг ишлари учун бу ерда барча шaroитлар яратилган.

«Катекс»чиларнинг бу йилдаги режалари янада улкан. Улар шунини фаолиятлари янада кенгайтириш, ҳамкорлик доирасини хориж миқдосига олиб чиқишни мақсад қилишмоқда.

СУРАТГА: тикниш деҳи тикувчиси Санобархон Холимова.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



## МУНОСАБАТ

Утган 1999 йилни лафзи ҳилол, меҳнаткаш деҳқонларимиз қўвончли натижаларга эришган ҳолда ахуллашди. Аввало, галлачилик ва шолчилик соҳасини олиб кўрайлик. Галлакорлар 1 миллион 332 минг гектар майдондаги бошоқли дон экинларидан гектар ҳисобига 25,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Республикамиз бўйича қарийб 4 миллион тонна, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги қорхоналарида 3 миллион 226,5 минг тонна сара дон тайёрланди. Агар 1992 йилда барча хўжалиқларда атиги 875 минг гектар ерда бошоқли дон экинлари экилган, уша пайтда ўртача ҳосилдорлик боруғи 14,3 центнерни ташкил этгани ҳисобга олинса, бултур галла майдонини ҳам, ҳилтур қўғи ҳам салкам икки ҳисса қўпайтгани аён бўлади. Шолкорлар эса 146 минг гектар ердан 363,4 минг тонна, ўтган йилга нисбатан 41 минг тонна кўп шолни етиштирилдилар.

Пахтакорлар ҳам ахуллашган йилнинг машаққатли синовидан муваффақиятли ўтдилар. Республикамиз дала-ларидан 3 миллион 680 минг тонна қимматбаҳо саноат ҳомашеси — пахта хирмонини уйилди. Бу аввалги йилдаги қўрсаткичдан салкам 500

## БИР ТУП НИҲОЛ ҚАДРИ

ҳар бир киши шундай хулосага келиши аниқ: Гап эътиборли, Вазирилар Мақамаси қайд этганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, ви-

ев бу ҳужжатга ўз муносабатини билдиришди. — Қузда бугундиган сепилган майдоннинг 1 квадрат метрида баҳорга чиқиб 400-500 туп ниҳол сақлаб қўймаслик ва уларнинг олдини олишга доир ишларнинг самардорлигига эришиш, албатта, бир-икки кишининг қўлидан келмайди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари

ички ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда экинзорлар бўйлаб мунтазам равишда қўйма рейдлар ўтказишлари талаб этилади. Пайкаларга дала қорувларини белгилаш, уларнинг зиммасидаги масъулиятини ошириш ҳам гўр муҳимдир.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда, республика қўнув ҳужжатларига мувофиқ, айбдорларга нисбатан тезкор чоралар қўрилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, экинлар пайхон қилинган жойларда олиб қўйилган чорва моллари уларнинг етларини аниқлаш, кейинчилик жавобгарликка тортиш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади. Мулкчилик шаклларида

қатъи назар, хўжалиқлар ва бу хўжалиқлар тарқибий бўлинимлари раҳбарларига нисбатан эса, экинларни пайхон қилиш ва зарарлантиришнинг аниқланган ҳоллари бўйича кескин чоралар, шу жумладан, уларни жинорий ва мамырий жавобгарликка тортиш чоралари қўрилади.

Галлақо пахта, помидор қарам, сабзие картошка, мева-овқатимиз. Бу бойлик эса деҳқонлар гагалкорлар, бог-бонлар соҳибқирон пешона териси эвазига яратилди. Демак, ана шу экинлар ва кўчатларнинг ҳар бир тупи ўз қадрига эга. Уларни пайхон қилиш ва зарарлантиришга қарши ҳаммаимиз биргаликда кураш олиб бораёқ, ризку рўзимиз янада қўпаяди, дастурхонимиз тагинда тақинсочин бўлади. Президент Фармони ва ҳукумат қарориди баён этилган талабларнинг асл мазмуни моҳияти шу: «Халқ сўзи» газетаси бу Фармон ва қарорнинг ижроси жойларда қай тарзда амалга оширилганлигини назоратта олиб, мунтазам рейдлар ўтказиб боради.

И. ҲАМРОҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
Ж.Норалиевни Сурхондарё вилоятининг  
ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Жўра Норалиев Сурхондарё вилояти ҳоқими этиб тайинланди.  
Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 13 январ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ  
Т.О.Жабборовни Наманган вилоятининг  
ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Тўққун Отаҳонлиев Жабборов Наманган вилояти ҳоқими этиб тайинланди.  
Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 13 январ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Президент Жаноблари,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимдаги янги вақолатингиз бошланган фурсатда Сизга ўз қўтловларимини ҳамда дўст ўзбек халқига гўят самимий истақларимни йўлдан бахтирмам.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда алоқаларини ривожлантиришда ҳамкорлик ва ишонч муҳитида давом этиришимизни истардим.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган гўят юксак эҳтиромимни қабул қилаёйсиз.

Самимий эҳтиром билан,  
Жақ ШИРАК,  
Франция Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Сиз, Жаноби Олийлари яна Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганлигинизни қувон билан эшитиб, самимий қўтловларим ва эзу тилақларимни йўлламоқдам.

Ўзбекистон — бизнинг ақин дўстимиз ва қўшимчимиз. Шунини қувонч билан қайд этганимиз, Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида мамлакатимизда давлат қурилишида сезиларли муваффақиятларга эришиди. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик сақланиб, иқтисодий ривожланишда, халқнинг турмуш даражаси мунтазам ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори, кун сайин юксалмоқда. Биз Хитой-Ўзбекистон дўстона муносабатларининг соғлом ва барқарор ривожланиб бораётганлигини мамнунимиз. Мен Сиз билан бирга мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги йўлида ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада ривожлантириш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатимизга равақ, халқингизга бахт-саодат, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилайман.

Цзян ЦЗЭМИНЬ,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Азиз Ислам Абдуғаниевич,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганлигиниз муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни сизқиллидан муборакбод этаман ва қўтлайман.

Сизнинг ерқин галабанигиз ўзингизнинг бутун фаолиятингизда қаттиқ, туриб қўнғон қиёвасинан ва халқаро ҳамжамиятнинг муносиб ҳурматига сазовор бўлган демократик йўлни қардош ўзбек халқи қўллаб-қувватлаётганлигини ерқин тасдиғидир.

Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар аниқлашнинг, самимийлиги, илтиқли ва ўзаро яқинлиги билан ажралиб туради. Биз бундан буюн ҳам Сиз билан умумий куч-ғайрат сарфлаб, бу алоқаларни мустаҳкамлаш ва боғишиб бораёқамиз.

Азиз дўстим, Сизга омонлик ҳамда халқингизнинг бахт-саодати йўлидаги муҳим ва масъулиятли вазирангизга муваффақиятлар тилаб билдирган истақларимни қабул қилаёйсиз.

Камоли эҳтиром билан,  
Леонид КУЧМА,  
Украина Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигиниз муносабати билан Сизга йўлаётган қўтловларимни ва бундан буюн ҳам муваффақиятлар тилаб билдираётган истақларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Литва билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар давлатларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб бораётганлиги ишончли камоли эҳтиром билан,  
Валдас АДАМКУС,  
Литва Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,  
9 январ кунини ўтказилган Ўзбекистон Президенти сайловиди Сиз сайловчиларининг мунтазам қўлчилик овозини олганлигини эзу қувонч билан эшитаман.

Бу ерқин галабанигиз муносабати билан Сизга Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан йўлаётган гўят қизғин самимий қўтловларимни қабул қилаёйсиз.

Сайловнинг яқунлари бутун Ўзбекистон халқи томонидан Сизга бўлган гўят катта ишонч ва иззат-ҳурматини ерқин тасдиғидир ва у Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган ислохотлар тула-тўқис қўллаб-қувватланаётганлигини далолат беради. Айни пайтда у қардош Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлашда, иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг ўзбек моделини рўбга чиқаришда, фасо ва самарали ташиқ сисебат юритишда эришган аққол ютуқларга берилган баҳо ҳамдир.

Биз Сизни доно, узоқни кўра билувчи, жаҳон миқдосидати қатъиятли раҳбар деб биламиз. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда янги минг йилликда Сиз ўртага қўйган мақсад — гуллаб-яшнаётган буюк давлат барпо этиш сарни изъил ҳаракатини давом этиривераман.

Халқларимиз — бир қўнғини икки қаноти бўлиб, улар муштарак тарихга, аниқларга, ягона мақсадга — мустақил демократик, дунёвий ва равақ топаётган давлатларнинг барпо этиш мақсадига эгадилар.

Янги минг йилликда дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги ишончли камоли.

Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, муваффақият ва омад, қардош Ўзбекистон халқига эса омонлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,  
Асқор АКАЕВ,  
Қирғизистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигиниз муносабати билан Сизни қайта дилдан муборакбод этаман.

Сиз Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганингиз билан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яқин қўнғинчилик ҳамда ўзаро манфатли ҳамкорликдан иборат аниқлаш муносабатлар халқларимиз бахт-саодати йўлида бундан буюн ҳам тобора мустаҳкамланиб, кенгайиб бораётганлиги ишончли камоли.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг бирдор халқига равақ ва омонлик тилайман.

Самимий эҳтиром билан,  
Имомали РАҲМОНОВ,  
Тожикистон Республикаси Президенти.



14 январ - Ватан химоячилари куни

# ПОСБОНИНГ ДИРМИЗ СЕНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФИЛИ

(Давомий. Боши 1-бетда).

Қисқа муддатда Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, у мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида, ўз ифодасини топди.

Олий Мажлиснинг 1995 йилнинг 30 августда бўлиб ўтган учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Харбий Доктринаси қабул қилинди. Унда Қуролли Кучларнинг ҳарбий-стратегик вазифалари, уларнинг қўлланиш тамойиллари белгиланди. Бизнинг ёш давлатимиз урушнинг ва ҳарбий таҳдидларнинг олдини олишни ўзининг асосий стратегик мақсади деб белгиледи.

Қуролли Кучларни миллий кадрлар билан таъминлаш масалалари ҳам узвийлик билан ҳал қилинди. Тошкент умумҳарбий билим юрти, Чирчиқ танк билим юрти ва Самарқанд автомобиль билим юрти кўп тармоқли ўқув юртига айлантирилди. У ерда бугунги кунда турли мутахассисликка эга бўлган офицерлар тайёрланмоқда. Шунингдек, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ва махсус алоқа факультети ташкил этилди. Қуролли Кучлар Академияси бизнинг фахримиздир. Унинг битирувчилари юқори ва махсус вазифаларда ўз билим даражасини кўрсата олди.

— Ҳозир Қуролли Кучлар олдидан турган вазифалар нимадан иборат ва улар қандай ҳал қилинмоқда?

— Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, минтақада юзага келган ҳарбий-сўсий вазиятни тўғри равишда баҳолаш керак. Утган йилнинг февралда Тошкентда содир бўлган фожея, сўнгра Қирғизистон жанубида ва Янгийулда содир бўлган воқеалар ҳалқимизнинг тинч ҳаётини кўра олмайдиغان кўчалар борлигини ва улар Ўзбекистонни танлаган йўлдан қайтариш учун ҳар қандай қаҳармонга таявир эканлигини кўрсатди. Мустақил Ўзбекистоннинг посбонлари бўлган Қуролли Кучлар аскарлари мана шу оғир кўчаларда уларнинг жасур ва матонатли Ватан химоячилари сифатида кўрсата олди. Улар ҳалқимизнинг тинч ҳаётига раҳна соломқчи бўлган ҳар қандай кучга муносиб жавоб қайтара олишларини амалда кўрсатди.

Ўзбекистон ҳарфизлиги таҳдид Қуролли Кучларнинг шахсий таркибидан ҳарбий тайёргарликни, маҳоратини ошириш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда иқтидор ва тартибни кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Диний-экстремистик ва террорчи кучларнинг фаоллашуви миллий ҳарфизлик ва мамлакатимиз ҳарбий лаёқатини кучайтириш масалаларини янгирақ ёндашув зарурлигини кўрсатди. Республика раҳбариятининг Қуролли Куч-

ларини, чегара ва ички қўшинларини ислоҳ қилиш борасидаги қарори ҳарфизлигимизга бўлаётган таҳдидларга муносиб жавобдир.

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чакриқ 14 сессиясида маърузасида республика Қуролли Кучларини бошқича-бошқича ислоҳ қилишнинг кенг шарҳи келтирилди. Ислоҳотларнинг стратегик йўналиш шарафига мустақил равишда, етарли таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришдан иборат. Улар мамлакатимиз тинчлигини самарали тарзда ва ишончли химоя қила олиши керак.

Бу борда сермашаққат ишлар олиб боришмоқда. Ҳарбий кучларни ҳудудий бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида янги ҳарбий-маъмурий ташкилотлар - ҳарбий округлар ташкил этилди. География ўрнини ва минтақадаги ҳарбий-сўсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда Қуролли Кучлар қисмлари қайта жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, армияни замонавий қуроллар билан таъминлаш, сўнгги урушлар ва ҳорикдаги ҳарбий ихтилофлар тақрибисидан кейин қилчқан ҳолда, янги ҳарбий тактикага ўргатишга катта эътибор берилмоқда.

Лекин шунинг эътиборига олиш керакки, ислоҳот — бу бир маротабалик тадбир эмас, балки мураккаб ва узоқ давом этувчи жараёндир. Даврнинг ўзи биздан доимий ҳарбий тайёргарликни, Ўзбекистон аскарлари ҳарбий тайёргарлиги даражасини тобора оширишни тақозо этмоқда. Бугун ишонч билан айта оламизки, Президентнинг Олий Бош Қўмондонининг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёрмиз.

— Бу йил Президент Ислам Каримов ташаббусига кўра, Соғлом авлод йили, деб эълон қилинди. Армиянинг давлатимиз келажакда бўлган ёшларини тарбиялаш борасидаги вазифаси нимадан иборат?

— Қуролли Кучлар доимо матонат ва ватанпарварлик мактаби бўлиб келган. Минглаб йигитлар ҳарбий хизмат давомида нафақат жисмонан чиникди, балки катта маънавий-ахлоқий потенциалга ҳам эга бўлади. Улар ўз Ватани тарихини, буюк бобоқалонларимиз Амир Темур, Заҳриддин Бобур, Жалалиддин Мангуберди меросини, ўзбек ҳалқининг маданияти ва ахлоқий анъаналарини ўрганади. Улар «Ватан», «Ватанпарварлик», «Бурча садоқат» каби тушунарли ҳарбий муҳитини янада чуқурроқ англай болайди. Бу сўзлар улар учун янги моҳият касб этади ва аскарлар ўз ҳарбий маҳоратини оширишга интилади.

— Ҳозир Қуролли Кучларимизда ёшларимизга намуна бўла оладиган, ўз бурчинини ҳалол бажариб келётган офицерлар кўп. Улардан мен «Шон-шарф» орденининг тўлиқ нишондорлари, полковниклар С.Мадаминов ва Э.Алимухамедов, 1999 йил му-

собоқалари голиби бўлган командирлар — полковник А.Халимов, подполковник А.Халилов, И. Солиқов, Э.Хайруллаев, А.Холмухамедов, майорлар А.Хамроев, И.Мордовин, капитанлар Э.Зауров, А.Ершов, прапорщик Э.Идрисов ва бошқаларни санаб ўтишим мумкин. Улар ўқув-ҳарбий вазифаларини, шахсий тарқибини ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал қилмоқда.

шаққатли масалалар турибди. Халқимиз бизга энг муқаддас нарсани — Ватан эрки ва мустақиллигини ишониб топширди. Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучларнинг Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов Ватан химоячилари, мамлакат ҳудудининг ҳарфизлиги тўғрисида доимо гамҳўрлик қилади. Буларнинг барчаси биз ҳарбий хизматчилар зиммасига давлатимизнинг келажакига доир улкан масъулият юклайди. Биз ҳеч қачон бунинг унутмаслигини ва ҳар доим Ўзбекистонни химоя қилишга тайёр бўлишимиз лозим. Бунинг учун ҳарбий маҳоратини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир бўлинмада тартибни кучайтиришимиз керак. Буларнинг барчаси келгуси муваффақиятларимиз гарантисидир.

**Кимсан бобо эрталаб вақтни уйғонди. Мол-қолга қараб, у-бу нарсага уринган бўлди. Нонуштага чоғланиб, радионинг кўлигини бурди: «Эфирда ҳорик хабарлари».**

**Турли мамлакатларда юз бераётган нотинчликлардан бобонинг кайфияти хира тортиди. Лекин шу пайт чопиб келган невараларнинг «Ассалому олайкум, бобо», деб бўйинга осилишидан дили яна равшанлашди. Ҳар хил савол бераётган жажжи ўғил-қизларига қараб ҳайлдан ўтказди: «Йўлим шуларнинг бахтига юртимиздаги осийшалик абадий бўлсин».**

**Невараларнинг биринини мактабга, бошқасини баччага кузатгани уларнинг кўлидан тутиб кўчга чиққан ҳам**

### БОТИРНИНГ ЖАНГОВАР МАҲОРАТИ

Жанговар ўқув машғулотлари қизгин тус олган. Артиллериячи посбонларнинг нимага қодир эканлигини кўзатиш учун ҳатто Мулоффа вазирлигидан офицерлар кел-

### САРҲАДАРИМИЗ КЎРИҚЧИЛАРИ

Биз тушган «УАЗ» автомашинаси қўли йўлда қийналганча олға интилди. Ярим соатча йўл юрилчак, тўхтадик. — Бугенга махсус транспортда кетамиз, — деди лейтенант

эдики, кўншини Мамарайимнинг ўғли Баходирга кўзи тушди.

— Ҳа, эрталабдан қаердан қайтаёсан?

— Навбатчиликни топшириб келаяман. Айтгандай, бу Баходир ҳарбий-а. Чегара кўшинларида хизмат қиламан, деганди.

— Қурдаларининг болаларини, сиз билан бизнинг тинч ухлашимизни, оёсайинга ҳаёт кечиршимизни Баходирга ўхшаган ақалоринг кўриқлаб туринмоди, — деди-ю ҳаётининг учқур саманлари уни юртимиз сарҳадлари бўйлаб етаклади...

Мингбоев эса ўқув машғулотларида ўзининг жасурлигини, зийраклигини намойиш этди. Шунинг учун ҳам сардорлари унга Э. Худойбердиевнинг вазифасини топширишмоқчи. Ёш аскар Б. Тўхтаёвнинг хизматига келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо дадил ҳаракатлари билан командирлар назарига тушган. Ушбу аскарларнинг қай бири билан сўхбатлашманг, уларнинг гапидан Ватан сарҳадларини кўриқлаётганидан фахр туйғуси уфуриб туради.

Яқинда бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси раиси, генерал-майор Ф. Тишаев аскарлар хизматидан мамнунлигини таъкидлаб, чегара posti бошлиғи Э. Аҳмедовга ўзи бурчига сидқидилдан ёндашгани, Ватан олдиданги маъсулдияти вазифинини шараф билан бажарётганини унинг наватбадга ҳарбий унвон берилганлигини эълон қилди.

Бахтиёр ШЕРМАТОВ (Наманган):

— Сиз она, Ватан ҳақида сўрайсиз. Бу тушунчаларни бир-бирдан айри тасаввур қилиб ҳам, сўз билан ифодалаб ҳам бўлмайди. У фақат энг қилинади. Армия эса ана шу ҳиссиётини шакллантиришда ўзига ҳокимлик қилган муҳим аҳамият касб этади. Онангиздан бир ярм йил эмас, бир ой олдига яшб кўринг, унинг қалри қанчалик юксаклигини даров англайсиз. Демак, уни эълонлаш, асраш керак. Бу дегани Ватани химоя қилиш зарур. Ана шунда нафақат волидангизни, суюкли ўрингизни, синглингиз, ака-ука, қариндошларини муҳофаза қиламан бўласиз.

Собит ЖЕНАЛИСОВ (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Қайси йили экани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Тошкентда бўлаётган Наврўз байрами шодиёналарнинг телевизорда томоша қилаётганим. Шунда тақдир тақозоси билан айни кунда ҳорихда яшаётган бир ватандошимиз Йиллаб гапирди: «Худого минг қатла шукур, юртимиз туپронини кўзга суриш nasib этди». Бу менга қаттиқ тасир қилди. Ва қанчалик бой-бадалла бўлманг, беватан юрсангиз ундай ҳаёт ҳаёт эмаслигини тушуниб етди.

— Армия техник жаҳдан мислиси даражада кўчи бўлиши мумкин, — дейди Шохиста, — аммо унда хизмат қилувчиларнинг маънавий савиялари, ватанпарварлик туйғуларини юксак бўлмас экан, бундай армияни чинакам қудратли, деб атай олмайдим. Шунинг учун ҳам ташкил этаётган тадбирларимизда, аввало, мана шу масалаларга ург берамиз. Бу борда бизга ёшларнинг «Камолот» жағармаси, шаҳар «Мавнавият ва маърифат» кенгаши, театр вакиллари яқиндан ёрдам беришга тайёр. Масалан, яқиндагина «Ўзинг ҳарбий қисм билан хизмат вазиғамиз, Ватанимиз тарихига оид ўтказган ўзига ҳоким бўлишимиз аскарларда катта таассурот қолдирди.

Албатта, Ш. Остонава бу ишларни бажаришда ёлғизлик қўлаётгани йўқ. Уни қисм сардорлари, ҳамкасблари — сержантлар Т. Арслонова, Ф. Бурхонова, А. Бобоқаловлар сидқидилдан қўллаб-қувватлашяпти.

Хизмат мажбурияти, оиласидан ортиб жамоат ишларида шунчалик фидойилик кўрсатаётган Шохиста каби минглаб аёлларимизга қирата шир тили билан шундай леғимиз келди: «Сен барбир муқаддассан, муқаддас аёл».

Кимсан бобонинг ҳайлидан ўтганларини катта лейтенант ШОЙНБЕК КАРИМБОВ, Аликбек САФАРОВлар билан ҳамкорликда «Жалқ сўзи» мухбири Озодбек РАЖАБОВ қозога туширди.



Фоторепортаж



ЖАСОРАТ ЙЎЛИ

**Суратларда қўриб турганимиз бу чезралар сизга анчайин таниш. Уларни «ойна жазон» орқали намойиш этилаётган ҳарбий машғулотларда қўриб, чаксон ва жасуридан тавсирланганисиз, шундай марду майдон ва мукамал қуролланган посбонларимиз борлигидан чексиз кувонланисиз, албатта.**

Ушбу кунда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлари қатори Қуролли Кучлар академиясининг ўқитувчи ва тинловчилари ҳам ўзларининг анъанавий касб байрами — Ватан химоячилари кунини муносиб кутиб олмақда.

Маъмур академия бундан қарийб беш йил муқаддам Ўзбекистон Президентини — республика Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган эди. У Урта Осиё митрабасида ягона олий ҳарбий билим юрти ҳисобланади.

Шунга ишончим комилки, ўзбекистонлик аскарлар бундан буюн ҳам ўз кучлари ва билимларини Ватанимизни химоя қилишга йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси Мулоффа вазирлиги раҳбарияти номидан барча ватандошларимизни, генераллар, офицерлар ва прапорщикларни, сержантлар ва солдатларни, ишчилар ва хизматчиларни, Қуролли Кучлар фахрийларини Ватан химоячилари кунини билан табриқлайман. Уларга ишларидан улкан муваффақиятлар, сийдат-саломатлик ва оилаларига фаровонлик тилайман.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

### Академия ташкил этилгандан буюн уни 200 нафарга яқин олий ҳарбий маълумотга эга бўлган юқори маалакли миллий офицер кадрлар битириб чиқди. Академия тинловчилари Мулоффа вазирлигининг қонанда-штаблар машғулотларида қатнашиб, ўзларининг моҳир ҳарбийлар эканини намойиш этмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида ҳамма чет элларда, хусусан, Америка Қўшма Штатларида НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган ҳарбий машғулотлар олинган юқори баҳо ҳам бунинг ақвол далолатидир.

Айни пайтда, бу ерга юқори маалакли кадрларни тайёрлашни таъминлаш бўйича ўқитишнинг янги дастури мукамаллаштирилмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Лейтенант Зухриддин Абаков командирлик қилаётган гурӯҳ посбони кичик сержант Ботир Даумоннинг ҳаётини бўлакча. Йўқ, йўқ, тайёргарлиги бўлигидан эмас, балки гарданидаги маъсулдиянинг юксаклигидан. Негаки, у ўт очинга шай турган тўпчиларга ишонч қоринларини аниқ айтиб бермоғи лозим. Ботир бундайин ҳисоб-китобда янглишмайди. Чунки у олий маълумотли архитектор. Аммо ўзига қатъий ишониб, эътибориз бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда қардон жамоасини кузатувчилар олдида уялтириб қўйиши мумкин. Ботир ишонининг бандлиги, узоқлиги, хуллас, барча параметрларини ҳисоб-китоб қилиб, тўпчилар командирига маълум қилди. Нишонга қарата ўт очилди. Чанг-тўзон босилчак, йигитнинг юзида қувонч аломатлари зоҳир бўлди. Нишонга беҳато урилган эди. Ботир ҳарбий жамоасининг беҳудата илгорлигини қўлдан бермай келётганини исботлаганди.

Э. Аҳмедов ва дурбинини қўлга олиб белгиланган ҳудудини қўздан кеңирчак, сўзида дарвоом этди. — Ташқаридан қараганда бизнинг ишимиз оддий бўлиб кўринади. Лекин елкамиздаги маъсулият жуда оғир. Ахир бизга давлат чегараларини қўриқлаш ишониб топширилган. Ҳар бир қарчи ер назоратимиздан четда қолиши мумкин эмас. Масалан, мана бу ерда чегара чизиги дарёдан ўтган. Қирғоқ эса қалин тўқайзор ва саксувўлар билан ўралган. Сергак посбонларимиз ана шундай қўйини нуқталарда ҳам кеча-кундуз наватчилик қилишяпти.

Рўпарамиздаги қум-барҳан орқасида чанг кўтарилиб, техника шовқини эшитилди. Махсус транспортдан сакраб тушган лейтенант А. Асқархўжаев ҳамроҳим — чегара posti бошлиғи Э. Аҳмедовга ваэтин ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг А. Асқархўжаевнинг кузатув гуруҳидаги аскарлар билан яқиндан танишдик.

Оддий аскар Э. Худойбердиев асли бекободлик. Хизмати яқинда тугайди. Ўзбекистон энт тажрибали посбонлардан. Қоимех туманидан муқддатли ҳарбий хизматга чакриқилган А.

## АНЪАНАГА АЙЛАНЯПТИ

лари сафи йилдан-йилга ортиб бораётгани эътиборга молик. Бу йилги мусобақаларни ўтказишга мулоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятини, вилоят калъа уюшмалари Кенгаши, вилоят халқ таълими ва касб-ҳунар бошқармалари, «Камолот» республика ёшлар жағмарасининг вило-

Фарғоналиклар ҳар йили Ватан химоячилари кунини ўзига ҳоким таъбирлар, турли маросимлар билан кутиб олишга одатланиб қолди. Усмирлар, чакриқилув ёшлар нақиронлар ўртасидаги ватанпарварлик тарбияси бағишланган мусобақалар бир ой давом этиб, байрам арасида яқунлади.

Ушбу таъбирни ўтказиш ташаббускорлари ва ҳомий-

мамлакат ҳаёти учун зарур. Бу заруратга хизмат қилиш учун ҳамма шараит яратилган. Аммо бу соҳада ишлётган мутахассислар ҳанузгача давлат тилини билмаганиликлар сабабли об-ҳаво маълумотини қашоқ тилда баён этиб келмоқдалар. Масалан, ҳаво ҳораротини фақат «иссик» сўзи билан «0-1 даража» бўлса ҳам, «иссик» деб эълон қилишди. Ваҳоланки бу даражада сув музлайди. Кетма-кет танқидлардан кейингина ўз лексиконларига «илик», «жазирама» сўзини қўшиб олдилар. Бирок уларнинг мейёрию чегаросини ҳанузгача фарқлай олишмаяпти.

Энг ачинарлиси, ўзбек тилида ҳаво оқими — ҳаво еллинишини ифодаловчи «шамолдан бошқа сўз йўқда», кўпича шобода ҳам, кучли шамолу бурон ҳам, довул билан тўфон ҳам бирдай шамол деб ишлатилляпти. Об-ҳавони кузатувчи марказнинг хабарига кўра

## ЛУҚМА ТИЛБУЗАРЛАР

шу кунларда секундида «3-5» метр тезликда шамол бўлади дейдилар. Баъзан бу рақам 3-8 ёки 3-10 метр тезликда дейилади. Афсуски, бу тезликда эсанг елни мулталоқ шамол деб бўлмайди. Тил қашоқлиги шу даражада етдики, яқинда Америка ва Оврупода юз берган дахшатли бурон билан довул, унинг кетидан келган об-ҳаво офати бўлмиш ҳалокатли тўфон ҳам шамол деб аталди.

Тилимизда ҳаво еллинишини ифодаловчи «шамолдан бошқа» атамалар анчагина. Масалан, эсиш кучи ва тезлигига қараб «майин шобода», «шобода», «собо», «ша-

лари учуриб, электр қуримларини емириб кетодиган табиий куч «довул» деб аталади. Егин-сочин билан ёпирилган дахшатли офатининг номи «тўфон». Бу атамаларни аҳоли яхши билади, аммо об-ҳавони кузатувчи марказ ходимлари ва маълумот тарқатувчи билмасликларни ёки ўз номи билан айтмасликларни ачинарли ҳолдир.

Уларнинг билиб-билмай, ҳодиб бири хилда об-ҳаво маълумоти бериши аҳолини ҳалғитиши, ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам турган гап. Ўтган йили Москвада бурон бўлишини хабар қилмаган об-ҳаво маълумотига ишониб гафлатда қалган шаҳар ҳўжалиги катта зарар кўрди. Москва мэри Луқковнинг об-ҳаво кузатувчиларини судга бергани ҳаммага маълум.

Об-ҳаво маълумотидаги қалқашликларга вақтли матбуот нашрлари, радио-телевидение тахририят-

лари ҳам шерик бўлиб, бой тилимизни қашоқлаштирилмишга йўл қўймоқдалар.

Тилбузорлик пештоқлардаги ёзувларда, телеэкрану радио эфирини ҳам учраб турибди. Масалан, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг эски биноси пештоқда неча йилдан бери «Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи» деган ёзув кўзатилган бўлиб турибди. Наҳотки, институт раҳбарлари «олийгоҳ» сўзи мулталоқ олий ўқув юрти институтини англлатмаслигини ҳанузгача билмасалар. «Гоҳ» кўшимчаси «жой» маъносини билдириб, у «жангоҳ», «оромгоҳ», «сайилгоҳ», «томашгоҳ» — яъни жам майдон, ором олиш жойи, томоша жойи демакдир.

«Тилга эътибор — элга эътибор» дейдилар. Утмиш улуғ, келажоги буюк бўлган давлат тилини бузиб ишлатишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ!

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Табиат ва инсон

КИЗИЛҚУМ ЖАЙРОНЛАРИ

Тўғли ёввойи жайронлар, айниқса, жайронлар Марказий Осиё саҳроларида ўсимлик дунёси, тупроқ шароитини яхшилашга самарали таъсир кўрсатишган. Лекин оқим ресурсларидан ўйланмасдан фойдаланиш оқибатида табиий бойликларнинг тикланиш жараёнига путур етди, экологик занжирни бирлаштирувчи халқлардан бири бўлмиш жайронлар кескин қамайиб кетди.

Тўғли ёввойи жайронлар ва уларнинг сарвари ҳисобланган жайронлар саҳроларида бойлиги ва ўзгаллигини келгуси авлодлар учун асраб қолишга муҳим рол ўйнаши керак.

Мана, 22 йилдирки, Бухоро вилояти ҳудудидagi «Жайрон» экология маркази шу муаммолар билан шуғулланади. Марказ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли бўлиб, у 1977 йили май ойида ташкил этилган. «Жайрон» илмий-ишлаб чиқариш экология маркази каби қўриқхоналар Урта Осиёда сақоқчи ҳисобланади. Бу ерда саҳронинг энг ноёб ва нодир ёввойи жайронлари кўпайтирилди.

Экология маркази Бухоро шаҳридан 40 километрча жанубда жойлашган, ер майдони 5145 гектарни ташкил этади. Бутун ҳудуд баландлиги 2 метр келадиган симтўр билан ўралган бўлиб, у жониворларни йиртқич жайронлар ва браконьерлардан асрайди.

Бу ерда жанубий-ғарбий Қизилқум табиатига хос бўлган барча ўсимликлар ўсади. Худуднинг жанубидagi Чиройлик, Урдалик, Шўрқул аталмиш сунъий ҳавзаларда, сувда ва сув яқинида яшовчи кўпжақ ноёб парранда турлари мавжуд.

Марказ ташкил этилган йилда бу ерда «Ўзбекистон Қизил китоби»га киритилган 42 та жайрон келтирилган эди. Оралдан ун йил ўтгач, яъни 1987 йилда саҳро сарварлари сонини 1200 тага етди. Шундан сўнг улар режали тарзда ўзлари азал-азалдан яшаб келган ҳудудларга қўйрилла бошланди. Ҳозирги кунда қўриқхонадаги жайронлар 733 та бўлиб, бу маъкур ҳудуд учун мўътадил ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган Қулон ва Пржевальский отлари ҳам кўпайтирилмоқда. Келтирилган пайтада 4 та бўлган Пржевальский отлари 12 тага, аввал 4 та бўлган қулонлар 15 тага етди. Худудда тулки, ёввойи мушук, бўриқ, қирғовуллар, йилонлар ҳам бор.

Марказ илмий ходимлари ўзлари турли йўналишларда довалар марказ илмий ходимлари билан биргаликда жайронларнинг ўсиши ва ривожланиши, физиологияси, юрак-қон-томир системаси фаолияти, гормонал ҳолати юзасидан илмий изланишлар олиб боришяпти.

изланишлар олиб бориш билан бирга, чет эллик ҳамкасблари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилишяпти.

Франциялик биология фанлари доктори Антуан Селмер, россиялик биология фанлари доктори Ольга Переладовлар марказ илмий ходимлари билан биргаликда жайронларнинг ўсиши ва ривожланиши, физиологияси, юрак-қон-томир системаси фаолияти, гормонал ҳолати юзасидан илмий изланишлар олиб боришяпти.



Шунингдек, марказда илмий изланишлар олиб борган америкалик олимлар ҳам қўриқхона ҳисобига 288 минг сўм ўтказдилар.

Шу ўрнида ҳаёлимга бир фикр келди. Қани энди, экология марказидан 15 километрча жанубда жойлашган, экологик вазият яхшиланишидан тўғридан-тўғри манфатдор бўлган Қоровул-бозор нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ҳам шундай бир ҳиммат кўрсатае?..

Ҳайвонот боғлари ҳақида ёза туриб, даъватан ёлимга Ника лақабини Осиё тепариди тушди. Мана, неча йилдирки, Ника марказ ҳудудидagi атрофи симтўр билан ўралган сақовулзорда яшайди. Жуда қартайган Ника одамларга ўрганиб қолган. Умуман, Осиё тепариди жуда ноёб йиртқич ҳисоблансаларда, қўлга тез ўрганишлари билан ажралиб туришади.

Бир вақтлар инсон қирлиб кетиш хавфи остида қолган жайронларни асраб қолган эди. Энди шу нозик жонот инсонни экология офатларидан сақлаб қолишга улш қўшса, не ажаб?..

Жўра ФОЗИЛ, Бухоро.

қон кўламли илмий далилларга дуч келмаган эдим. Ҳозирги илмий-хизмат сафаримда «Табиий фанларни маблағ билан таъминлаш» АҚШ давлат фонди гранти асосида 1997-2000 йилларга мўлжалланган илмий режани амалга оширяпмиз. Бу режага кўра, қумиққоннинг йиртқич қўшлар ва сут эмизувчилар, яъни жайронлар билан мулоқоти муаммоларини ўрганишимиз. Бу ишда мента иккун шотландия ёрдам беряпти. Уш набатда улар илмий кузатишлари асосида магистрлик даражаси учун диссертация ёзишяпти, — дейди Жаннет Рендалл.

Шуни эътироф этиш керакки, марказ илмий ходимларининг халқаро ҳамкорлиги нафақат илмий, балки иқтисодий самара ҳам бераётир. Утган йили Франциядан шундай мазмунда телеграмма келди: «Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, «Жайрон» экологик марказига. Биз Ўзбекистон саҳролари биологиясини ўрганишни яхшилашга — ҳисса қўиш мақсадида шахсий жамғаримамиздан 141372 франкини ҳисобингизга ўтказишга қарор қилдик. Эҳтиром ила Логра де Федрик, Жуанна Когбин, Франциялик олимлар».


Шунингдек, марказда илмий изланишлар олиб борган америкалик олимлар ҳам қўриқхона ҳисобига 288 минг сўм ўтказдилар.

Шу ўрнида ҳаёлимга бир фикр келди. Қани энди, экология марказидан 15 километрча жанубда жойлашган, экологик вазият яхшиланишидан тўғридан-тўғри манфатдор бўлган Қоровул-бозор нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ҳам шундай бир ҳиммат кўрсатае?..


Ҳайвонот боғлари ҳақида ёза туриб, даъватан ёлимга Ника лақабини Осиё тепариди тушди. Мана, неча йилдирки, Ника марказ ҳудудидagi атрофи симтўр билан ўралган сақовулзорда яшайди. Жуда қартайган Ника одамларга ўрганиб қолган. Умуман, Осиё тепариди жуда ноёб йиртқич ҳисоблансаларда, қўлга тез ўрганишлари билан ажралиб туришади.

Бир вақтлар инсон қирлиб кетиш хавфи остида қолган жайронларни асраб қолган эди. Энди шу нозик жонот инсонни экология офатларидан сақлаб қолишга улш қўшса, не ажаб?..

Жўра ФОЗИЛ, Бухоро.



«Ўзмаком» қўшма корхонаси Ўзбекистон халқини Ислон Абдуганиевич КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги билан муборакбод этади ва унинг раҳбарлигида республикамизнинг янада гуллаб-яшнашига ишонч билдиради.



Нас@2471

ABN-AMRO The Network Bank

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж. 1999 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб тан олинди.



ABN AMRO BANK Best Bank in Uzbekistan

Бизнинг ҳамкорлиқдаги банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал банкнинг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатига ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

- Биз:
• Ўзбекистон молия бозорига энг яхши банк хизматларини;
• Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитдан тортиб, конвертация жараёналари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришга;
• «Электрон банк иши (банк-мижоз тизими)» ва пластик карточкалар каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА ҚЎРИШДАН ХУРСАНДИМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-поғъезд. Телефон: 120-61-41.

«МАЪНАВИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ»

Олиб ўқинг

«Маънавият» нашриёти 1999 йилнинг сўнггида иқтисод фанлари доктори Ашур Қодировнинг «Маънавиятнинг иқтисодий тамойиллари» деб номланган рисоласини босмадан чиқарди.

Маълумки, истиқлол иқтисодий мустақилликни ҳам тақозо қилади. Иқтисодий эса, ўз навбатида, маънавият билан узвий боғлиқ бўлиб, улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб, тақомиллаштириб боради.

Истиқлолни порлоқ мамлакат иқтисодий мустақилликка эришиши учун халқнинг маънавий қарашлари теран, тафаккури юксак бўлиши керак. Ўзбекистон мустақил бўлган кундан бошлаб, «маънавият» тушунчаси янгича маъно ва аҳамият касб этди. Илгари бу сўзни бирор лутат ёки илмий китобларда учратмасдик. Ҳатто республикамизда нашр этилган 14 жилдик «Ўзбек Совет энциклопедияси»да ҳам маънавият ҳақида тушунча у ёқда турсин, унинг лутавий маъносини ҳусусида маълумот йўқ.

Маънавият онгинг маъсули бўлган учун ҳам, у руҳий ва ақлий муҳит сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва шакллари билан бевосита боғлиқ. Маънавиятсиз ҳаёт бўлмаганидек, иқтисодсиз тузум, жамоа, оила ҳам бўлмайд.

Олимларнинг таъбирича, маънавият бирламчи бўлиб, унинг тамойиллари ўз ҳусусиятига кўра ишлаб чиқариш муносабатларидан шаклланади. Яъни, иқтисоднинг асл мақсади уша шахс ва жамоанинг маънавий ҳаёти даражасига

боғлиқдир. Жамоада кўпчилик фикрининг доимий бирлиги мавжуд бўлмаганлиги боис ҳар доим ҳам иқтисодий қонунларнинг асл моҳияти тўғри талқин этилавермайди. Бундай ҳолат жамиятда турли кўриниш-



даги жузъий камчиликларни юзага келтирилади. Шунинг учун ҳам жамият мафратларини кўзлаган, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларида ҳуқуқий асосга эга бўлган шахсларнинг фикрлари бир мақсадга йўналтирилди. Ушбу ҳолатда энг асосий масала ҳуқуқий қонунларнинг асл моҳияти қандай маънавий асосдан келиб чиққанлигидир. Бу эса маънавият билан иқтисод бир бутунлиқда эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги иқтисодий ривожланишдан кўзга тўтилган мақсад, халқимиз учун инсонларга хос бўлган ҳаёт ва фаолият шароитларини яратиб, халқни маънавий-ахлоқий жиҳатдан

Мухтор АБДУРАШИДОВ, Тошкент Давлат иқтисодий университети доценти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси апаратининг жамоаси масъул ходим Баҳриддин Зайнитдинович Муродовга онаси Наима САЙДУМАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаб ва уюшма қўмитаси ва биология-тупроқшунослик факультети жамоаси факультет декани Т. Абдураҳмонова волидаи муҳтарамаси Турсунхон ая БУТАЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эштитиришлар бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси, таниқли уйғур ёзувчиси Ҳисамудин ИСЛОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдарлик изҳор этади. Эллиққалъа туман ҳокимлиги ҳоким ўринбосари Исмоил Хўжаиёвнинг акаси Усмон ХўЖАНИЕЗОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. РИЗАЕВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ ҳўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Ўйлонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 23.15 1 2 3 4 5 6